

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВА МАРИНА ФЕДОРОВНА

**БОЛАЛАРДА АТИПИК ЭТИОЛОГИЯЛИ КАСАЛХОНАДАН
ТАШҚАРИ ПНЕВМОНИЯНИНГ ДАВОЛАШ ВА ТАШХИСОТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ибрагимова Марина Фёдоровна

Болаларда атипик этиологияли касалхонадан
ташқари пневмонияни даволаш ва ташхисотини
такомиллаштириш усуллари.....3

Ибрагимова Марина Фёдоровна

Улучшение диагностических и лечебных
методов при внебольничных пневмониях
с атипичной этиологией у детей.....25

Ibragimova Marina Fedorovna

Improving diagnostic and therapeutic methods
for community-acquired pneumonia
with atypical etiology in children.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works50

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВА МАРИНА ФЕДОРОВНА

**БОЛАЛАРДА АТИПИК ЭТИОЛОГИЯЛИ КАСАЛХОНАДАН
ТАШҚАРИ ПНЕВМОНИЯНИНГ ДАВОЛАШ ВА ТАШХИСОТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2021.1.PhD/Tib1828 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифанинг www.sammi.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шавази Нурали Мухаммад ўғли
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раббимова Дильфуза Тоштемировна
тиббиёт фанлари доктори, доцент
Шамсиев Фурқат Мухитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Ижевск давлат тиббиёт академияси

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Тиб.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел/факс: 0(366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан руйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233–30–34.

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.М. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З.Шодикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.О. Атакулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нафас олиш органларининг ўткир ва сурункали касалликлари болаларда учрайдиган патологиялар орасида, ҳамда ўлим кўрсаткичи таркибида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...пневмония дунё бўйлаб, 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг 15% ҳолатларини ташкил қилади...ЖССТ ва ЮНИСЕФнинг Глобал ҳаракат режаси профилактика ва даволаш чораларини такомиллаштириш дастурга киритилган...»¹. Айтиш пайтда атипик этиологияли пневмонияни эрта ташхислаш, таъсир этувчи омилларни аниқлаш, клиник ва лаборатор намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлар ва асоратларини олдини олиш учун патогенетик жихатларини ахамиятга олган ҳолда муолажаларини буюриш, касалликнинг қайталанишлар сонини камайтириш тиббиётда ечими топилиши зарур бўлган муаммолардан хисобланади.

Жаҳонда болаларда пневмонияни этиологик верификациясининг диагностик усулларини излаш ва патогенетик даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада болаларда пневмониянинг этиологик омилни ўз вақтида аниқлаш, анамнестик маълумотларнинг хусусиятларини, клиник кўринишларини, яллиғланиш белгилари ва цитокинлар таркибий кўрсаткичларининг ҳолатини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва даволаш чора-тадбирларининг патогенетик усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек самарали даволаш тартибини амалиётга тадбиқ қилиш чора-тадбирлар комплексини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида ахамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, бронх-ўпка патологиясиг мавжуд болалар орасида соматик касалликларни эрта ташхислаш, касалликнинг даволаш усулларини такомиллаштириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш»² вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда болаларда атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмониянинг хусусиятлари ўрганиш, СРО, IL-4, IL-6 ва TNF- α кўрсаткичларининг диагностик мезони эканлиги асослаш, индивидуал

Даволаш шкаласини ишлаб чиқиш ва *Mycoplasma pneumoniae* ва *Chlamydoiphila pneumoniae* билан боғлиқ атипик пневмонияни комплекс даволашни такомиллаштириш орқали касаллик асоратлари натижасида юзага

¹ Информационный бюллетень ВОЗ. 2 августа 2019 г. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/pneumonia>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори

келадиган ногиронликни ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охириги йиллар маълумотларига кўра: 2017 йилда 5 ёшгача бўлган 808,694 бола пневмониядан вафот этган бўлиб, бу бутун дунё бўйлаб 5 ёшгача бўлган болаларни барча ўлимларининг 15% ни ташкил қилаган. Кўплаб мамлакатларда йиллик ривожланиш мақсадлари кун тартибига диарея ва пневмониядан келиб чиқадиган ўлим ҳолатларнинг олдини олишни устувор ҳаракатлардан бири сифатида киритилган (ЖССТ ахборот бюлетени 2019). Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, болаларда атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмониянинг этиологик омиллари орасида кўпинча *Mycoplasma pneumoniae* ва *Chlamydomphila pneumoniae* аниқланади, аммо уларнинг аҳамияти тўлиқ ўрганилмаган (Разуваев О.А. 2018). Сўнгги йилларда рефрактер/ резистент микоплазмали пневмония деб номланган, касалликнинг узок давом этишига, терапевтик чоралар самарасизлиги ва болаларда юқори ўлим кўрсаткичига эга эканлиги, ҳамда касалликнинг частотаси юқорилиги аниқланган (Shim J.Y., 2020).

Атипик пневмониянинг этиологик омилни ўз вақтида аниқлаш, антибактериал терапиянинг самарадорлигини баҳолаш, бу касалликнинг кечиши ва оқибатига тубдан таъсир қилишда, культурал ташхис қўйиш қийинлигидир, чунки *Mycoplasma pneumoniae* ва *Chlamydomphila pneumoniae*, хужайра ичидаги патогенлар бўлиб, балғам суртмаси микроскопиясида, балғам ёки қонни традицион бактериологик экмасида аниқланмайди (Аверьянов А.В., 2021). Болаларда турли юқумли ва яллиғланиш касалликларида юзага келадиган яллиғланиш белгиларининг ҳолатини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда орасида пневмония етакчи ўринни эгаллайди, маълумот тўлиқ эмаслиги билан тавсифланади ва касалликнинг атипик этиологияси адабиётларда етарли даражада ёритилмаган (Овсянников Д.Ю., Кузьменко Л.Г., 2019). Яллиғланиш касалликлари патогенезини ўрганишда замонавий йўналишлардан бири бу организмнинг инфекцияга жавобининг сезгир ва ўзига хос биомаркерлари бўлган цитокинларнинг ҳолатини аниқлашдир, аммо уларнинг турли хил

вариантларининг роли ва педиатрик амалиётда болаларда пневмония кечиши билан боғлиқлиги фақат нисбий характерга эга (Zhou J. M., Ye Q., 2017).

Ўзбекистон Республикасида болаларда атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмония кечиши ва эрта ташхислашни ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб боришига қарамай, бу муаммо Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ташкилоти учун жиддий бўлиб, долзарблигини сақлаб қолмоқда (Шамсиев Ф.М., Умарназарова З.Е. 2014).

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлган пульмонология амалиётида болаларда атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмонияда диагностика ва даволаш тактикасини такомиллаштиришга ёрдам беради. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, болаларда пневмониянинг этиологик структурасида атипик микрофлоранинг кўпайишини эрта талқин қилишга, клиник ва лаборатор намоён бўлишининг хусусиятларини ўрганишга, касалликнинг антибактериал ва иммунокорректив терапиясининг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалда бажариш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, №01980006703 “Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш” (2015-2018 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмониянинг диагностикаси ва даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

болалардаги шифохонадан ташқари пневмонияда анамнестик маълумотлар ва клиник симптомларнинг хусусиятларини аниқлаш;

атипик этиологияли пневмонияга чалинган болаларда қон плазмасида С-реактив оқсил ва прокальцитонин миқдорини ўрганиш;

атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмонияларда IL-4, IL-6 ва TNF- α -интерлейкинлар ҳолатини баҳолаш;

болаларда атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмонияда клиник симптомларнинг асосий кўрсаткичлари, яллиғланиш реакцияси маркерлари ва цитокин профилининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

болаларда атипик пневмонияни этиологик верификация шкаласини ва даволашнинг дифференциаллашган усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Республика шошилинич тиббий ёрдам маркази Самарқанд филиалининг педиатрия ва болалар реанимацияси бўлимларига мурожат қилган шифохонадан ташқари пневмония билан даволанган 6 ойликдан 14 ёшгача бўлган 150 нафар болалар олинган.

Тадқиқотнинг предметини умумий клиник ва биохимик тадқиқотлар учун беморларнинг веноз қони ва унинг зардобини, шунингдек беморларнинг томоғидан олинган суртма ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумклиник, лаборатор, эпидемиологик, микробиологик, вирусологик, инструментал,

иммунохроматографик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

болаларда атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмониянинг "оилавий" характерга эга эканлиги, касалликнинг аста-секин ривожланиши, кам миқдорда қийин ажраладиган балғам ва бронхообструктив синдром билан кечишининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

болаларда шифохонадан ташқари пневмонияда СРО, прокалцитонин кўрсаткичлари даражаси типик пневмонияда ошиши, ҳамда IL-4, IL-6 ва TNF- α кўрсаткичларини атипик этиологиялида юқори даража бўлиши пневмониянинг атипик генезини эрта аниқлашда диагностик маркер эканлиги исботланган;

болаларда атипик пневмонияни этиопатогенетик таҳлил қилиш орқали ишлаб чиқилган текшириш ва индивидуал даволаш шкаласини қўллаш натижасида даволашдаги дифференциал ёндашувлар самарадорлиги асосланган;

илк бор *Mycoplasma pneumoniae* ва *Chlamydia pneumoniae* билан боғлиқ атипик пневмонияни ананавий даво усулига джозамицин ва резистол препаратларини қўшимча киритиш орқали комплекс даволаш тадбирлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

анамнестик, клиник ва лаборатор (СРО, IL-6, IL-4 ва TNF- α) кўрсаткичларининг таҳлили асосида болаларда атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмония эрта босқичда аниқланган;

болаларда атипик пневмонияни этиологик текшириш натижасида индивидуал даволаш шкаласи ишлаб чиқилган;

болаларда атипик пневмонияни комплекс даволашда джозамицин ва резистол дори препаратларни қўллаш орқали стационарда даволаниш муддатининг қисқариши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, бактериологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида болаларда атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмонияни даволашга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, пневмонияга комплекс ёндашув, шу жумладан анамнестик маълумотларнинг хусусиятларини аниқлаш, клиник кечиши, яллиғланиш маркерлари ва цитокинлар даражасини баҳолаш, болаларда атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмониянинг диагностика ва терапевтик усуллари такомиллаштириш натижасида даволаш самарадорлигини ошириш ва асоратларини олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти анамнез, клиник симптоматика, яллиғланиш маркерлари, цитокинлари кўрсаткичларининг прогностик жиҳатдан аҳамиятли маълумотларини ўрганиш натижасида болаларда атипик пневмонияни этиологик текшириш ва индивидуал даволаш шкаласи ишлаб чиқилган, бу шкала атипик этиологияни ва болаларда шифохонадан ташқари пневмония учун эрта оптимал антибактериал терапия танлаш имконини берган, ҳамда даволашда джозамицин ва резистол дори препаратларни қўллаш орқали стационарда даволаниш муддатининг қисқариши ва асоратларнинг олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Болаларда атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмонияни диагностика ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмония эрта ташхислаш бўйича ишлаб чиқилган "Болаларда атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмония диагностикасини такомиллаштириш" номли услубий тавсияномаси тасдиқланди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 18 августдаги 8н-р/868-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмониянинг диагностика усулларини такомиллаштириш имконини берган;

болаларда атипик пневмонияни этиологик текшириш натижасида индивидуал даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган "Атипик этиологияли пневмонияга чалинган болаларда даволаш усулларини оптималлаштириш" номли услубий тавсияномаси тасдиқланди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 18 августдаги 8н-р/867-сонли маълумотнома). Мазкур услубий тавсиянома болаларда атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмонияни даволаш тактикасини оптималлаштириш имконини берган;

болаларда атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмонияни диагностика ва даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотдан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиали, Самарқанд шаҳар 3-сонли оилавий поликлиника ва Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўлимлари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 30 сентябрдаги 08-30209-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши болаларда микоплазма ва хламидия этиологияли шифохонадан ташқари пневмония билан оғриганда ташхислаш ва янги такомиллаштирилган даволаш услубини қўллаш орқали болаларда касалликни қайталаниш даражасини камайтиришга, касаллик асоратларини олдини олишга, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва стационарда даволаниш муддатини 1,7 ётоқ кунга қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 9 та мақола, улардан 7 та республика ва 2 та халқаро журналларда, барчаси

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, ҳимояга киритилган асосий қисмлари келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларининг илмий-амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот апробацияси, тадқиқотнинг нашр этилган натижалари ва диссертация тузилиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Болаларда атипик пневмония муаммосининг ҳозирги ҳолати"** номли биринчи бобида атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмония тўғрисидаги сўнгги адабиётларнинг маълумотлари тизимлаштирилган. Болаларда шифохонадан ташқари пневмониянинг этиологик, клиник жиҳатлари, яллиғланиш маркерлари ва цитокинларнинг диагностик аҳамияти, даволаш ва профилактик ёрдамнинг асосий йўналишлари тавсифланган.

Диссертациянинг **"Клиник материалнинг характеристикаси ва қўлланилган тадқиқот усуллари"** номли иккинчи бобида клиник материалнинг умумий хусусиятлари, лаборатория тадқиқот усулларига оид маълумотлар тавсифланган. Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида шифохонадан ташқари пневмонияга чалинган 150 нафар 6 ойликдан 14 ёшгача бўлган болалар текширилган, шу жумладан 2019 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалининг I, II шошилинич педиатрия ва болалар реанимацияси бўлимларга ётқизилган 30 нафар типик ва 120 нафар атипик этиологияли пневмония бўлган беморларда тадқиқот ўтказилди.

Тадқиқотга киритиш мезонлари бактериологик, ИФА ва ПЗР текшириш усуллари билан тасдиқланган типик (*Streptococcus pneumoniae*, *Haemophilus influenzae* B тури, *Staphylococcus aureus* бошқа патоген флора) ва атипик (*Mycoplasma pneumoniae* ва *Chlamydia pneumoniae*) микрофлора сабаб бўлган болалар пневмонияси бўлди.

Тадқиқот 2 босқичда ўтказилди:

1-босқичда шифохонадан ташқари пневмонияга чалинган 150 бемор текширилиб, 3 гуруҳга бўлинди: I гуруҳ - микоплазма этиологияли 60 бемор, II гуруҳ - хламидия этиологияли 60 бемор ва III гуруҳ (назорат) – типик этиологияли 30 бемор. Лаборатория кўрсаткичларининг меъёрий кўрсаткичларини баҳолаш учун 20 нафар соғлом бола кўрикдан ўтказилди.

2-босқичда микоплазма этиологияли I гуруҳ беморлари қуйидагиларга бўлинди: традицион терапия олган Ia гуруҳи - 30 та бемор ва традицион

терапия комплексида джозамицин ва резистол олган Iб гуруҳи – 30 та бемор; хламидия этиологияли II гуруҳ беморлари куйидагиларга бўлинди: IА гуруҳи – традицион терапия олган 30 та бемор ва Iб гуруҳи - традицион терапия комплексида джозамицин ва резистол олган 30 та беморлар. Джозамицин 30-50 мг/кг кунига 2-3 дозада оғиз орқали, резистол 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар учун 10 томчи кунига 3 маҳал, 6 ёшдан 12 ёшгача 20 томчи кунига 3 маҳал буюрилган. Препаратлар бутун даволаш курси давомида қўлланилди. III гуруҳ беморлари – 30 та бемор традицион терапия олди.

Гуруҳлар рандомизация тамойилларига ва оддий кўр-кўрона методга риоя қилган ҳолда тузилди.

Типик ва атипик этиологияли пневмония билан касалланган 150 беморнинг таҳлили шуни кўрсатдики, анамнестик маълумотларнинг частотаси ва клиник симптоматика асосан болаларда шифохонадан ташқари пневмониянинг умумий қабул қилинган белгиларига мос келади.

Шу билан бирга, болаларда шифохонадан ташқари пневмониянинг "классик" кечишидан касалликнинг намоён бўлиш частотасидаги фарқлар, жумладан касалликнинг аста-секин бошланишининг юқори частотаси (65,3%), ахволининг ўртача оғирлиги (78,7%), нормал ва субфебрил ҳарорат мавжудлиги (60,7%), йўтал ва балғамнинг хусусиятлари, перкутор аниқ ўпка товуши аниқланиши (26,7%), ўпкада аускультацияда дағал нафас (76,6%), нафас етишмовчилиги йўқлиги ва енгил акс этиши (68,0%), ринит, конъюнктивит ва фарингит кўринишидаги йўлдош касалликлар сонининг кўпайлиги (19,3%, 18,7%, 19,3%), токсикознинг намоён бўлишини камайиши (24,0%), касалликнинг типик ва атипик этиологиясининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда батафсил ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Типик этиологияли пневмония бўлган беморларнинг қон зардобидаги яллиғланиш маркерлари таркибидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, типик пневмония билан оғриган беморларда СРО таркиби нормал кўрсаткичга қараганда 14,8 марта, ПКТ 11,9 марта орган, атипик пневмония бўлган беморларда СРО 9,6 ва ПКТ 6,6 марта кўпайган ($P < 0,001$). Яллиғланишнинг ўрганилган биомаркерлари таркибини таҳлил қилиш типик этиологияли пневмонияга чалинган болаларда атипик этиологияли пневмонияга нисбатан СРО ва ПКТ концентрациясининг 1,5 марта ва ПКТ 1,8 марта ортишини кўрсатди ($P < 0,001$).

1-жадвал

Шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган беморларда яллиғланиш маркерларининг кўрсаткичлари ($M \pm m$).

Кўрсаткич	Норма	ТП гуруҳи	АП гуруҳи	P ₁	P ₂	P ₃
СРО (мг/л)	3,3±0,2	48,7±2,2	31,8±0,7	<0,001	<0,001	<0,001
ПКТ (нг/л)	0,16±0,01	1,91±0,07	1,06±0,02	<0,001	<0,001	<0,001

Изоҳ: P₁ – нормал қийматлар ва типик пневмония ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги, P₂ – нормал қийматлар ва атипик пневмония ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги, P₃ – типик ва атипик пневмония ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги.

СРО, ПКТ таркибидаги ўзгаришларнинг кузатилган қонунияти типик этиологиядаги пневмонияда ривожланаётган яллиғланиш жараёнининг атипик билан таққослаганда юқори фаоллигини кўрсатади, бу касалликларнинг дифференциал диагностик мезонлари бўлиши мумкин.

Олинган маълумотлар таҳлили (жадвал 2) шуни кўрсатдики, типик пневмония билан оғриган беморларда меъерий кўрсаткичларга нисбатан IL-4 нинг зардобдаги концентрацияси 3,4 марта ва IL-6 2,9 марта ошган, TNF-α нинг таркиби 2,6 мартадан ортиқ ошган ($P < 0,001$). Шу билан бирга, этиологик омилга қараб цитокинларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, типик этиологияли пневмонияда IL-4, IL-6 ва TNF-α таркиби атипик этиологияли пневмонияга чалинган беморларга нисбатан мос равишда 1,7, 1,6 ва 1,7 мартага анча паст бўлган ($P < 0,001$).

2-жадвал

Шифохонадан ташқари пневмония билан оғриган беморларда цитокинлар кўрсаткичлари (M±m)

Кўрсаткич	Норма	ТП гуруҳи	АП гуруҳи	P ₁	P ₂	P ₃
IL-4 пг/мл	4,8±0,3	9,6±0,6	16,9±0,4	<0,001	<0,001	<0,001
IL-6 пг/мл	16,3±0,7	29,7±1,5	46,9±1,0	<0,001	<0,001	<0,001
TNF-α пг/мл	24,5±0,8	36,2±2,2	62,6±1,4	<0,001	<0,001	<0,001

Изоҳ: P₁ – нормал қийматлар ва типик пневмония ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги, P₂ – нормал қийматлар ва атипик пневмония ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги, P₃ – типик ва атипик пневмония ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги.

Шундай қилиб, асосий яллиғланишга қарши цитокинлар IL-4, IL-6 ва TNF-α нинг атипик ва типик пневмонияга чалинган болаларда соғлом болалар билан таққослаганда сезиларли даражада юқори концентрацияси бактериал яллиғланишга жавобан иммунокомпетент хужайраларни фаоллашувининг кўрсаткичидир. Болаларда типик ва атипик пневмония бўлган гуруҳларни қиёсий таҳлил қилиш пайтида қонда цитокинлар даражасининг аниқланган ўзгариши, эҳтимол касалликнинг этиологик омили таъсирининг намоён бўлиши ҳисобланади.

Типик ва атипик пневмонияга чалинган беморларда инфекцион-яллиғланиш жараёни маркерлари (СРО, ПКТ) ва цитокинлар (IL-4, IL-6 ва TNF-α) таркибининг аниқланган хусусиятлари этиологик омилни ҳисобга олган ҳолда кўрсаткичларни батафсил ўрганиш зарурлигини кўрсатади.


Беморлар умумий клиник тадқиқот усуллари билан бир қаторда: томоқдан чуқур олинган материални микробиологик текшируви ва Грамм бўйича бўялган суртмаларни бактериоскопик усул билан текшируви ўтказилди; беморларнинг қон зардобда иммунофермент таҳлилида (ИФА) «Хлами-Бест-IgM-стрип» ва «ХламиБест-IgG-стрип» тест системалари ёрдамида IgM ва IgG аниқланди (*Mycoplasma pneumoniae* и *Chlamydomphila pneumoniae*); қон зардобдаги С-реактив оксил таркиби автоматик иммунохемилюминесцент Immulite 2000 анализаторида аниқланди; қон зардобда прокальцитонин автоматик иммунохемилюминесцент Advia Centaur анализаторида аниқланди; IL-4, IL-6 ва TNF-α цитокинларининг

концентрацияси Вектор-Бест тест-системалари ёрдамида иммунофермент усулда аниқланди.

Олинган маълумотларга статистик ишлов бериш Statistica 10 дастурида шахсий компьютерда амалга оширилди. Вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача традицион хатолиги (m), нисбий қийматлар, OR - имкониятлар нисбатини аниқлаш учун қўлланилди. Пирсон (r) усули билан корреляцион таҳлил ўтказилди. Тўрт майдонли жадваллар учун аниқ икки томонли Фишер мезони бўйича кичик ҳажмли гуруҳлар ҳолатида сифатий қийматлар χ^2 усулида аниқланди. Ўлчовларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (P) ни ҳисоблаш орқали Стюдент мезони (t) билан аниқланди.

"Болаларда атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмония кечишининг хусусиятлари" номли III бобда, болаларда типик ва атипик пневмония кечишининг хусусиятларини тавсифловчи беморларда анамнестик маълумотлар частотаси ва клиник симптоматиканинг аҳамиятини аниқлаш учун ихтиёрий боғлиқлик жадвалларини таҳлил қилиш ўтказилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, типик пневмонияга нисбатан атипик пневмонияда 6 ёшдан ошган ёшда ривожланиш частотасининг сезиларли ўсиши бўлган (47,5%, OR=8,88; CI=1,934-17,88; $\chi^2= 11,61$; $p=0,001$); клиник симптомларнинг босқичма-босқич ривожланиши (77,5%, OR=17,22; CI=6,02-49,29; $\chi^2= 39,21$; $p=0,001$); кўпинча ўртача оғирлик ҳолати (82,4% OR=4,07; CI=1,70-9,73; $\chi^2= 10,82$; $p=0,011$); температура реакциясининг 37,1-37,9°C чегарасида бўлиши (OR=7,68; CI=2,53-23,36; $\chi^2= 16,11$; $p=0,001$); кам миқдорда ажралиши қийин бўлган балғамни тез-тез чиқарилиши (50,8%, OR=6,72; CI=2,21-20,43; $\chi^2= 13,74$; $p=0,001$); жуда камдан-кам ҳолларда перкуссияда аниқ ўпка товуши аниқланди (14,2%, OR=1,49; CI=0,41-5,44; $\chi^2=0,36$; $p=0,548$); аускультацияда кўп ҳолларда дағал нафас эшитилди (86,7%, OR=11,23; CI=4,52-27,90; $\chi^2=33,54$; $p=0,001$); хансирашнинг йўқлиги частотаси кўп - 12,43% ёки енгил хансираш - 47,5%, (OR=12,43; CI=1,63-94,76; $\chi^2= 9,18$; $p=0,002$ и OR=2,49; CI=1,03-6,03; $\chi^2= 4,24$; $p=0,039$); бронхообструктив синдром ривожланиш частотаси юқори – 25,0% (OR=9,67; CI=1,26-74,04; $\chi^2= 6,87$; $p=0,009$) ва касалликнинг «оилавий» характердалиги – 19,2% ҳолатларда (OR=6,88; CI=10,89-53,13; $\chi^2= 4,48$; $p=0,034$).




Изоҳ : ■ – атипик пневмония гуруҳи, ■ – типик пневмония гуруҳи.

1-расм.- Шифохонадан ташқари пневмонияли беморларда анамнестик маълумотлар ва клиник белгиларнинг диагностик қиймати.

Анамнестик маълумотлар ва клиник кўринишларнинг частотасини таҳлил қилиш (1-расм) атипик генезли пневмония учун этиологик омилни аниқлаш учун кўшимча диагностика мезонлари сифатида қуйидагиларни тавсия этишга имкон берди: болаларнинг ёши 6 ёшдан катта, касалликнинг босқичма-босқич ривожланиши, аҳволининг ўртача оғирлиги, субфебрил ҳарорат, ажратиш қийин балғам, аускультацияда дағал нафас, ҳансираш йўқлиги ёки енгил даражали, бронхообструктив синдром ривожланиш тенденцияга мойиллик ва касалликнинг "оилавий" характерининг юқори частотаси.

Этиологик текширилган *Muc Pneuoniae* пневмония (I гуруҳ) ва типик пневмония (III гуруҳ) бўлган беморларни анамнестик маълумотлари ва клиник белгилар частотасини қиёсий таҳлил қилиш натижалари қуйидагиларни аниқлашга имкон берди: *M. Pneuoniae* билан касалланган болаларнинг энг кўп сони 6 ёшдан катта ёш гуруҳига тегишли эканлиги (56,7%, 13,3% OR=8,50; P<0,001, CI=2,64 - 27,39; $\chi^2= 15,39$; p=0,001); клиник симптомларнинг аста-секин ўсиши (68,3%, OR=10,79; CI=3,58-32,53; $\chi^2= 21,37$; p=0,001); болаларда кўпинча ўртача оғирликдаги ҳолат (81,7%, OR=3,41; CI=1,29-9,02; $\chi^2= 6,39$; p=0,011); нормал ёки субфебрил ҳарорат (70,0%, OR=7,94; CI=2,47-25,57; $\chi^2=14,34$; p=0,001); куруқ кўк йўталга ўхшаш характердаги йўтал - 47,6%, кейинчалик, кам миқдорда қийин ажралувчи балғам билан намоён бўлиши (71,7%, OR=2,88; CI=1,07-7,71; $\chi^2= 4,58$; p=0,032 ва OR=16,44; CI=4,99-54,2; $\chi^2= 27,28$; p=0,001); жуда камдан-кам ҳолларда перкуссияда аниқ ўпка товуши аниқланди (13,3%, OR=1,38; CI=0,34-5,65; $\chi^2=0,21$; p=0,649), аускультацияда кўп ҳолларда дағал нафас эшитилди (93,3%, OR=24,18; CI=6,88-85,01; $\chi^2= 33,76$; p=0,001); ҳансирашнинг йўқлиги частотаси кўп - 21,7% ёки енгил ҳансираш - 50,0% (OR=8,02; CI=1,00-64,59; $\chi^2= 5,12$; p=0,024 ва OR=2,75; CI=1,06-7,14; $\chi^2= 4,46$; p=0,035); фарингит ривожланишига мойиллик – 30,0% (OR=3,86; CI=1,04-14,36; $\chi^2=4,47$; p=0,034), бронхообструктив синдром ривожланишига

мойиллик – 21,7% (OR=8,02; CI=1,0-64,59; $\chi^2= 5,12$; p=0,024) ва касалликнинг «оилавий» характердалиги частотаси юқорилиги аниқланди - 21,7% ҳолатларда (OR=8,02; CI=1,0-64,59; $\chi^2= 5,12$; p=0,024).




Изоҳ: ■ – I гуруҳ, ■ – III гуруҳ.

2-расм-. Шифохонадан ташқари пневмонияли беморларда анамнестик маълумотлар ва клиник белгиларнинг диагностик қиймати.

2-расмда аниқ кўрсатилган таҳлил маълумотлари Мус. Pneumoniae пневмониянинг этиологик диагностикаси учун қуйидагиларни қўшимча мезон сифатида тавсия этишга имкон берди: болаларнинг ёши 6 ёшдан катта, аста-секин ривожланиши, касалликнинг "оилавий" характери, ўртача оғирликдаги ҳолат, ҳароратнинг субфебрил табиати, самарасиз, ёпишқоқ, кам миқдорли қийин ажратиладиган балғамли қуруқ йўтал, перкутор аниқ ўпка товуши, НЕ йўқлиги ёки 1-даражали, фарингит ва бронхообструктив синдром мавжудлиги.

Беморларни анамнестик маълумотлари ва клиник белгилар частотасини Ch1. Pneumoniae ШТ пневмония (II гуруҳ) ва типик этиологияли ШТ пневмония бўлган беморларда қиёсий таҳлил қилиш натижалари қуйидагиларни аниқлашга имкон берди: касалланган болаларнинг энг кўп сони 6 ёшдан катта ёш гуруҳига тегишли эканлиги (38,3% случаев, OR=4,04; CI=1,25-13,07; $\chi^2=5,95$; p=0,015); касаллик клиник белгиларининг аста-секин бошланиши, (86,7%, OR=32,50; CI=9,64-109,5; $\chi^2= 42,20$; p=0,001); кўпинча ўртача оғирликдаги ҳолат (86,7%, OR=4,97; CI=1,76-14,02; $\chi^2= 10,06$; p=0,002); субфебрил иситма - 37,1-37,9⁰ C (OR=7,43; CI=2,31-23,90; $\chi^2= 13,33$; p=0,001); кўп ҳолларда дағал нафас эшитилди – 80,0% (OR=6,91; CI=2,60-18,33; $\chi^2= 6,91$; p=0,001); кўпинча ҳансирашнинг йўқлиги - 38,3% (OR=18,03; CI=2,30-141,5; $\chi^2= 12,53$; p=0,001) ринитлар - 36,7% (OR=5,21; CI=1,42-19,18; $\chi^2=7,09$; p=0,008), конъюнктивитлар - 30,0% (OR=3,86; CI=1,04-14,36; $\chi^2=4,47$; p=0,034) ривожланиш частотаси юқори, 31,7% ҳолатларда регионар (тонзилляр, бўйин) лимфа тугунларининг катталаниши

(OR=6,49; CI=1,40-30,09; $\chi^2=6,99$; p=0,008) ва БОС ривожланиш частотаси юқорилиги - 28,3% (OR=11,47; CI=1,40-91,00; $\chi^2=7,81$; p=0,005).



Изоҳ: ■ – II гуруҳ, ■ – III гуруҳ.

3- расм. Шифохонадан ташқари пневмонияли беморларда анамнестик маълумотлар ва клиник белгиларнинг диагностик қиймати.

Анамнестик маълумотлари ва клиник белгилар частотасини таҳлили ChI. Pneumoniae пневмония ривожланишида касаллик этиологик омилини аниқлашда диагностик мезон сифатида қуйидагиларни ажратишга имкон берди: болаларнинг ёши 6 ёшдан катта, касалликни аста-секин ривожланиши, боланинг аҳволи ўртача оғирликдалиги, субфебрил иситма, перкутор ўпка товуши, дағал нафас, НЕ йўқлиги, ринит, конъюнктивит ривожланиши, регионар лимфа тугунлари катталаниши ва бронхообструктив синдром ривожланиши.

Пневмониянинг этиологик омилга қараб дифференциал диагностикаси учун нафақат клиник симптомларни ҳисобга олиш керак, балки лаборатория кўрсаткичларини, шу жумладан яллиғланиш жараёнининг биологик маркерлари ва цитокинларнинг концентрациясини аниқлаш муҳимдир.

Микоплазма (I гуруҳ) ва хламидияли (II гуруҳ) пневмония билан оғриган беморларда касалхонага қабул қилинганда ўтказилган СРО ва ПКТни текширишда деярли барча ўрганилган кўрсаткичларнинг назорат традиционларига нисбатан сезиларли фарқ қилиши аниқланди (жадвал-3).

3-жадвал

Атипик пневмония билан оғриган беморларда яллиғланиш маркерлари ва цитокинларнинг кўрсаткичлари ($M \pm m$).

Кўрсаткичлар	Норма	I гуруҳ	II гуруҳ	P ₁	P ₂	P ₃
СРБ (мг/л)	3,3±0,2	32,3±0,9	30,8±1,0	<0,001	<0,001	>0,2
ПКТ (нг/л)	0,16±0,01	1,08±0,02	1,04±0,02	<0,001	<0,001	>0,2
IL-4 пг/мл	4,8±0,3	15,8±0,5	18,0±0,6	<0,001	<0,001	<0,01
IL-6 пг/мл	16,3±0,7	46,1±1,4	48,8±1,5	<0,001	<0,001	>0,2
TNF-α пг/мл	24,5±0,8	61,4±1,9	65,9±2,0	<0,001	<0,001	>0,2

Изоҳ: P_1 – норма кўрсаткичлари ва микоплазмали пневмония кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги, P_2 – норма кўрсаткичлари ва хламидияли пневмония кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги, P_3 – микоплазмали ва хламидияли пневмония кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларнинг ишончилиги.

Яллиғланиш биомаркерлари СРО ва ПКТ концентрациясини баҳолашнинг аниқланган қонуниятлари *Myc. pneumoniae* ва *Chl. Pneumoniae* нинг беморга патологик таъсиридан келиб чиққан пневмонияда яллиғланиш жараёнининг аниқ фаоллигини кўрсатади ва бошқа клиник-лаборатор кўрсаткичлари билан биргаликда касалликнинг, медикаментоз даволашнинг, шу жумладан касалликнинг нозологик шаклига қараб антибактериал терапия мониторингини ўтказишга имкон беради.

Тадқиқотларни таққослаш учун болалардаги шифохонадан ташқари пневмонияда СРО, ПКТ, IL-4, IL-6, TNF- α нинг миқдорий кўрсаткичлари натижалари (3,4-жадваллар) яллиғланиш маркерлари ва цитокинларнинг намоён бўлишининг оғирлиги учун мослашган ўртача арифметик (M) бўйича ўрта арифметик қийматнинг традицион оғишини (m) ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисобланди. Қуйидаги миқдорий маълумотлар олинди: СРО - <32,5 мг/л, ПКТ - <1,08 (нг/л), IL-4 - <17,3 пг/мл, IL-6 - >48,4 пг/мл ва TNF- α - >66,2 пг/мл.

Ихтиёрий боғлиқлик жадвалларини қиёсий таҳлил қилиш натижалари (жадвал-4), яллиғланиш маркерлари ва цитокинларнинг намоён бўлишининг оғирлиги шуни кўрсатдики, касалхонага ётқизилганда СРО оғирлик частотаси – 57,5% (OR=6,76; p=0,001), IL-4 – 48,3% (OR=10,0; p=0,001), IL-6 – 48,3 (OR=13,10; p=0,001) ва TNF- α – 25,0 (OR=4,67; $\chi^2= 4,81$; p=0,001) атипик пневмонияга чалинган болаларда типик флора келтириб чиқарган касаллик билан таққослаганда анча кўп аниқланди.

Атипик пневмонияда ПКТ даражасининг оғирлик частотаси типик этиологияли пневмониядан OR=0,04 бўйича частота хусусиятларида сезиларли фарқ қилмади, бу касалликларнинг дифференциал диагностикасида унинг аҳамияти йўқлигини кўрсатди.

4-жадвал

Шифохонадан ташқари пневмония бўлган беморларда яллиғланиш маркерлари ва цитокинларнинг миқдорий қийматлари частотаси.

Кўрсаткич	Аниқланиш частотаси (%)		OR	χ^2	P-value	ДИ min	ДИ max
	АП гуруҳи	ТП гуруҳи					
СРБ (мг/л)	57,5	16,7	6,76	16,01	0,001	2,42	18,88
ПКТ (нг/л)	54,2	96,7	0,04	18,53	0,001	0,01	0,31
IL-4 пг/мл	48,3	10,0	8,42	14,62	0,001	2,42	29,25
IL-6 пг/мл	48,3	6,7	13,10	17,36	0,001	2,99	57,45
TNF- α пг/мл	25,0	6,7	4,67	4,81	0,028	1,05	20,77

Изоҳ: OR, χ^2 , P кўрсаткичлар – фарқлар ишончилиги, ДИ min ва ДИ max гуруҳлар ўртасида.

Шундай қилиб, яллиғланиш маркерлари ва цитокинлар даражасини оғирлик частотасининг хусусиятларини таҳлил қилиш атипик пневмониянинг диагностик мезонларини аниқлашга имкон берди: СРО - $<32,5$ мг/л, IL-4 - $<17,3$ пг/мл, IL-6 - $>48,4$ пг/мл ва TNF- α - $>66,2$ пг/мл, касаллик ривожланиш хавфи юқори бўлган омиллар ҳисобланади ва касаллик этиологик омилини ва кечишини текшириш учун олинган маълумотлардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатди.

Болаларда шифохонадан ташқари пневмонияда олиб борилган тадқиқотлар боғлиқлигининг аҳамиятини аниқлаш учун микоплазмали ва хламидияли пневмония бўлган беморлар гуруҳларида клиник симптоматиканинг асосий кўрсаткичи – стационар даволаниш давомийлиги ҳамда яллиғланиш жараёни маркерлари – СРО, ПКТ ва IL-4, IL-6, TNF- α цитокин кўрсаткичлари билан корреляцион таҳлили ўтказилди, корреляцион график, тренд линиялар ва аппроксимация ишончилиги тузилди (жадвал-5 ва расмлар 4- 5).


5- жадвал

Ўрганган кўрсаткичларнинг корреляцион матрицаси (r).

Гуруҳлар	к/д к СРО	к/д к ПКТ	к/д к IL-4	к/д к IL-6	к/д к TNF- α
I (r)	0,72	0,25	0,82	0,69	0,74
II (r)	0,77	0,48	0,77	0,65	0,73


Изоҳ: r – корреляцион боғлиқлик кучи

Ётоқ кунларининг қийматлари ҳамда микоплазмали ($r=0,72$, $R^2=0,513$) ва хламидияли этиологияда ($r=0,77$, $R^2=0,591$) СРО қоникарли аппроксимация кўрсаткичи ўртасидаги корреляцион ижобий боғлиқликларнинг юқори кучини аниқланиши болаларда касаллик кечишида яллиғланиш жараёнларининг муҳим ролини исботлайди.



Изоҳ: R² - аппроксимация ишончилиги кўрсаткичи.

4-расм-. I гуруҳда ётоқ кунлари ва СРО ўртасидаги корелляция графиги




Изоҳ: R^2 - аппроксимация ишончилиги кўрсаткичи.

5-расм-. II гуруҳда ётоқ кунлари ва СРО ўртасидаги корелляция графиги

Шундай қилиб, ётоқ кунлари ва СРО, ПКТ, IL-4, TNF- α қийматлари орасидаги аппроксимация қийматларининг қониқарли аниқлигида ўрта ва юқори кучли ижобий корелляцияларни аниқланиши яллиғланиш маркерлари ва цитокинларнинг муҳим ролидан далолат беради ва болаларда атипик генезли шифохонадан ташқари пневмониянинг этиологиясини, кечишини текширишда ушбу мезонлардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Диссертациянинг "Атипик этиологияли шифохонадан ташқари пневмонияларда турли хил терапевтик ёндашувларнинг самарадорлигини баҳолаш" номли IV бобида болаларда атипик пневмонияда аниқланган бузилишларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, анъанавий даволаш комплексига джозамицин ва резистол киритилган.

Болаларда Мус. Pneumoniae чақирган пневмониянинг клиник белгиларини даволаш усулига қараб қиёсий таҳлил қилиш (6-расм) шуни кўрсатдики, беморларда джозамицин ва резистолни қўлланилганда касалликнинг асосий белгилари ва синдромлари анъанавий даволаш билан таққослаганда ўртача 0,4 дан 1,7 кунгача йўқолишнинг ижобий динамикасига эга бўлди.



Изоҳ: ■ – Ia гуруҳ, ■ – Ib гуруҳ, * - гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг сезиларли ишончлилиги

6-расм. Ia ва Ib гуруҳлардаги беморларда шифохонадан ташқари микоплазмали пневмониянинг асосий клиник белгиларини йўқолиш динамикаси.

